

Ўлмасбек ХЎЖАЕВ



Кузатиб яшайман

Шеърлар

НУКУС
• КОРАКАЛПОФИСТОН •
2005

84(59)6-3

Ўлмасбек Хўжаев

КУЗАТИБ ЯШАЙМАН. Шеърлар

Нукус, «Корақалпоғистон» нашриёти, 2005 йил, 32 бет.

Шеърият бўлади дардли оташин! Дардни севишга дардлиларни тўлкинлантиришга йўғрилиб кетган. Шеърлар бўлади шунчаки ўқиб қўйишга ёзилган.

Қадрли китобхон! Қўлингиздаги Ўлмасбекнинг «Кузатиб яшайман» тўпламини сиз шунчаки кўз билан ўқиб қўяолмайсиз. Сатрларни ўқир экансиз, улар энг аввало фикрингизни ишлатади, рухиятингизга таъсир қилади. Оний тафаккурингизга етиб бориб, юрагингизни жумбушга келтиради.


Зеро: кузатиш — узатиб қолиш. Кузатиш-кўриш, тамоша қилиш. Кузатиш - хижрон ...! Буларнинг ҳаммаси учун яшаш, яшаш ва яна яшаш керак!

10316190
091

X 4306000022 — 346 Буйруқ — 2005
M — 357(04) — 2005

ISBN 5-83-45-11-9

© «Корақалпоғистон» нашриёти, 2005



HO



* * *

Азизим
Сен шоир атадинг мени,
«Шоирман» деб керилмасман,
Асир этдими дардим сени,
Кайғураман қувонмасман!

* * *

Гоҳи тонгни, гоҳи нурни кутганларим рост,
Го- яхшиларни, гоҳ ёмонни унутганим рост,
«Тўғриман» деб эгри сўзлаб,
«Эгриман» деб, тўғри айтиб,
Гоҳи бол ўрнига захар ютганларим рост.

Мен ўзим туғилмадим* улғаймадим,
Дунё улғайтирди, эрта улғайдим.
Хасдан хор бўлса баъзан ҳисларинг,
Илохий измида ўйлаб, дунё панжасида,
Гоҳи — ханжар, гоҳи туғга айландим.

Дарёнинг дардими уммонга етиш,
Одамнинг дардими дунёдан кетиш,
Аниклик турганда таҳминнан кезиш,
Мен гоҳи олди фурсат кетиб етдим,
Гоҳи боғ кадри деб чўлларга кетдим.

* * *

Айрилик нима — айрилганлар билади,
Жудоликни — жудо бўлганлар хис этади.

Фидоийликни — фидолар кўради,
Аммо улар сукутда ...

Дардни давосизлар кўп англаган,
Меҳр-дийдани отасизлар кадрлаган,
Қалбида бир жимлик ...
Мангуга жимликка сукутда ...

Дийдор бор — емасдан тўйса бўлади,
Соғинч бор яратган йўйса бўлади,
Ўлим бор дунё бетиғ сўйса бўлади,
Юракка ушалмас армонлар кўп,
Барини сукутдан билса бўлади.

Содикликни сўранг,
Умри бўйи тул ўтганлардан,
Вафо нима — сўранг мангу кутганлардан,
Жафо нима — сўранг шу турганлардан,
Хаммаси, хаммаси сукутда,
Ўлмас хотиралар бу шонли умрда.

Шеърим

Шеърим
Она - халқим сени сийласин,
Мен сени меники демасман.

Шеъримдирсан, менинг ўзимсан,
Менга бор ўлим сенга йўқдир.
Тунлар юрагим ховучлатасан,
Сахар боласи
Бўлишингдан кўнглинг тўқдир.

Шеърим,
Сен бир онача тўлғоқлардан
Азобли дунёга келарсан.
Халқни асра, қароғда асраласан!

Тугён ундирган халкимникисан,
Халкни асра, кароғда асраласан.

Халким қўлидаги чандиклардан,
Қадоклардан яралган шеърим,
Униб, бунёд илдиэлардан,
Япроқлардан таралган шеърим.

Шеърим,
Башари оламга — юрак бўлолгин,
Фамларга девору тилак бўлолгин.
Мумёдек охуларга керак бўлолгин,
Шундадир менинг тириклигим
Шеърим,
Мени тирик килолгин,
Тирик бўлолгин!

Шеърим,
Она-халким юракларида яша
Йўлларингга поклик тилайман.
Ҳаққоний виждонла ҳамиша
Ўлма, сўзим оклик тилайман.

Шеърим!
Она-халким сени сийласин.

2002 йил

* * *

*Мустақиллик! — Сенга мен келдим,
Дорларда чайқалган,
Тил суғрилган болалар билан
Х. Худойбердиева*

Эрк недур
Ани кишан кўрмаган билаклар айтсин,
Қонли тўзон тутмаган фалаклар айтсин,

Мағрур юксак янграган тилаклар айтсин,
Эркни англаб урган юраклар айтсин.

Мустакиллик,
Тилёғлама тилак айтар кун эмас,
Ё шод этган бахонали тун эмас,
Ахли расолар деса «неъмат» демас,
Чунки Эрк бу, еб тугалар,
Неъматларга тенг эмас ...

Эрк исёни
Азал тарих қон билан ёзилган,
Юрак тубларида жон-ла ёпилган,
Ор-номус, шон билан топилган,
Хотирага айланган тириклар айтсин!!!

Онам Рахимбой қизи
Шозакул Матниязовага

Бунчалар куюнчак, бунчалар оддий,
Оддийликдан буюклик топган — Она.
Пойдевор бўлиб содда-самимий,
Тўрт чинорга илдиз отган — Она.

Ортган юки битта — рўзгорим — деб
Юрган йўли битта — йўқ борим — деб
Хаё, ор-номусдан наво чалар, торим — деб
— Турмуш — деган тўрва тортган — Она.

Кимларгадир тилла-кумуш сеп берди,
Кимга эса, ақл-имон, қадок қўлдан эп берди,
Қаранг, кўринг бир аёл
Тилла такмай, алвон либос бурканмай,
Бир умрга, бир умр, зийнат берди, зеб берди.

Мендан аввал

Мендан аввал кўрмоқ истарлар,
Мендан аввал хабар топади,
Мендан бурун васият қилиб,
Дийдор талаб казо топади.

Мендан бурун қараб сўл-соғига,
Тўймас армонин айтар боғига,
Мендан бурун сўнгги пушаймон,
Ёнишин тиларлар чироғига.

Мендан аввал,
Мендан бурун,
Охират келар одам ёдига.
Чидаб бўлмас, чиқар рух фарёдига,
Мендан бурун ишлар
Ҳақиқат тарозиси.
Фақат мендан сўнг колар
Ўлим.

Ҳаммаси мендан бурун бўлар,
Ҳаммаси мендан аввал айтилар,
Ҳаммаси, ҳаммаси, ҳаммаси,
Мендан бурун,
Мендан аввал,
Ўлмасдан бурунги жараёнлар!!!

Аёзда ялонғол дарахт армони! ...

Тобут ...

Келганларга бешик бўлолмаган ёғочсан,
Янги дунёларга эшик бўлолмаган ёғочсан,

¹ Номим ўлмас. Ўлмас турдош отга айлангириб, ўлмас ёзилса унга дан қўшимчаси қўшиб ёзилса, демак бу оғир аҳволдаги бемор холатини гавдалантиради. Мен сўзи ўрнига қўйиб ўқиб кўринг.

Кўплар ушлар сенинг танангни,
Беминнат йўлдасан, лек, тўлолмаган ёғочсан.

Лаппанглаб елкаларда кетарсан,
Балки жабрлардан беун нола чекарсан,
Билмам, қачон муродингга етарсан,
Тўлган ерми ёки сен, қайсинг аввал кетарсан?!

Тобут ...
Азалар бошланур сенинг қадамларингдан,
Дийдалар ёшланур, етган остоналарингда,
— Одам борми менда бор — деб турибсан,
— Воҳ, болам фарёди эшитилмасин изингда.

Тобут ...
Яхшиларни олиб кетма, илтижо?!
Куйинмаган ёғоч, куйиб кетма, интихо,
Зол-у, Қорунни устун қилмади дунё,
Бир лаҳза тўхтагин тобут?! ...

Тобут ...
Кимларга от бўлиб бормоқдасан,
Кимларга той бўлиб чопмоқдасан,
Ҳаётга ёт бўлиб, оқ соч узун сакол-ла,
Сени ўйлаб зиёратга оломон,
Топинмоққа сой бўлиб отланган.

Тобут ...
Келганларга бешик бўлолмаган ёғочсан,
Янги дунёларга эшик бўлолмаган ёғочсан,
Кўплар ушлар сенинг танангни,
Беминнат йўлдасан, лек, тўлолмаган ёғочсан.

Одамлар

— Кар бўл, деди,
Бўлолмадим нетайин,
— Сўқр бўл, деди,
Бўлолмадим нетайин?

Бўлолмасман ҳам
Илоҳ бўлмайин
Бўлсам агар,
Кизғанади,
Хавони ҳам атайин!

Кўплар истамаганимга
Шеър ёз деди —
Ёзалмосам нетайин?
Турфа енгил йўллар
Соз деди,
Юролмасам нетайин?
Кўплар айтди!
Бу дунё бир қоғоз деб
Бу йўллардан оз деди,
Озолмасам нетайин?!

Майлига, менга керакмас маслаҳатлари,
Азобдир топаман ҳаёт йўлларимни,
Эшитинг! Эшитсинлар,
Мен шеърни
Юрагим амрига буйсуниб ёзгум
Юрак дардим тўжиб, куюб ёзгум!

2002 йил

Боласиман!

Дерлар нечун руҳи хазинсан
Сабаб кузда туғилганман,
Мудом киш совуғин ўйлайман,
Олдим қаҳротон деб чўчийман.

Ишонмайин келса навбахор,
Татимай ўтар ёз ҳам зор,
Мен кузда туғилганман,
Мен қузнинг боласиман.

Ўткинчи анвойи очилишлар ажибдир
Сўлишни унутган лолалар тажжубдир,
Ўлимни унутган рухлар мажрухдир,
Мен кузнинг боласи ...

Мен, менман ўша,
Хазонларнинг буталарда айтган воласи,
Ерга кўшилар чоғда айтар ноласи,
Умрлар тарк этар умрда Алвидоси,
Менман кузнинг боласи, кузнинг боласи!

Умрлар баҳори кузга айланур,
Юракларнинг зардоби тузга айланур,
Шафкат яратган чирой кўзга айланур,
Тебратган ўлмас дард сўзга айланур,
Мен кузнинг боласиман, Куз боласи ...!

Сизга ...!

Сўзласам олдимда давонлар пайдо бўлди,
Кўплар шундин юрмоққа шайдо бўлди,
Касалим енгил эди бедаво бўлди,
Нетай, Азизим?!

Бировлар ўхиган эртақлар эмас,
Бировлар тўкиган чўпчаклар эмас,
Бир рухиятни биров англамас,
Менинг дардим бу Азизим ...

Гапирсам бировга ўхшагандирман,
Мавжланиб ўзандан тошгандирман,
Ўйлар етмасларга шошгандирман,
Лек борлигим шу Азизим ...

Балки ўжар кайсарлигим бордир,
Менга атай сўкишларинг бисёрдир,
Хато бўлса да билиб хато киламан,
Узр, Азизим ...

Мен кўпни ўзимда кўргим келади,
Ўзим яратган сўқмоқдан юргим келади,
Ўлим мени олар, сўзим қолади,
Сен билан, сиз билан Азизим.

«Одамнинг ўпоғи» деп мени айтдилар,
Турмуш тўқмоғин менга тутдилар,
Бераҳм деб билмам не кутдилар,
Лек яратгандан яралмишим,
Шудир, Азизим ...

Кузатиб яшайман

Ғамнинг кўзлари бўлиб,
Дарднинг сўзлари бўлиб,
Мунглилар оҳиман
Дунёга тўлиб,
Бетизгин кузатиб яшайман ...

Ғалвалар тафтида олов,
Армон қафтида қалов,
Дунёга сифмадинг, этиб лов,
Узата-узатиб яшайман.

Тириклик ташвиши жим,
Қутурган ёвузликлар жим,
Сокин дутга шоир муаллим,
Узатиб, кузатиб яшайсан.

Ишонар сен ёлғон хислар кўп,
Тафт тортар, беранг туслар кўп,
Ишонтирувчи ҳаммаси бор,
Ишон майли, кузатиб яшайман.

Мен олдимни кузатдим,
Менида кузатар биров,
Улканларни узатдим,
Узатишга қоларманов ...

Кузатиб яшайман,
Чин ёлғондан сўлиб,
Тўғри-эгридан ўлиб,
Хорланган бир рўх бўлиб,
Алвидо айтиб кузатаман ...
Кузатиб яшайман ...!

* * *

Етилгандек эдим — ғур эканман,
Пишгандек эдим — шўр эканман,
Улғайгандек эдим — ёш эканман,
Жилдийдек эдим — бебош эканман!

Мени улғайтирди дард исканжаси,
Икки яқиним олди ўлим панжаси
Алвидони айтдим такрор қон ютиб,
Эшитмади нетай бандалик, бандаси ...

Хайрон болаликда кузатардим панада,
Одамлар нечук йиғлайди деб азада,
Жон аччиғи йиғлатаркан одамни,
Тош дийдадан отиларкан ёш
Жон очиса, жон очиса ...

Парвона бўлгим келди, меҳрим жўридан,
Бақриб йиғлаб, тўлгим келди дил кўридан,
Икки тобутни элтиб қабрга,
«Сўнгги макон» дея кулгим келди,
Бардош зўридан.

Кечирилган ва кечирилмаслар ётибди,
Эгри-тўғри тиллар сукутга ботибди,
Манфаат, хирс, ғаним ўйлар-чи
Ўй жилов топиб узлатга қотибди!

Ассалом, эй сохиби сўнгги маконлар,
Бир заминда яшармиз икки дунёда!!!
Ассалом, эй мангулик тинчлар,
Бир-бирин эслаганлар келди олдингизга.

Бизлар сизларни эслаб яшаймиз,
Сизлар-чи: бизни эслайсизми ҳеч?!
Яқин дийдорларни олиб буён келамиз,
Соғинганда, қумсаганда келасизми ҳеч?!

Ахир бир заминда турибмиз-ку,
Якининг оғирини енгиллатмоқ,
Туйғуларни асрамоқ инсонга хос-ку,
Билмадим,
Билиб туриб нега қўмсамоқ?!

Алвидо айтиб кузатаман,
Алвидо айтиб узатаман,
Сўнгги макон, мангу макон бу,
Бандалик-да
Сен қайтгач, менда қайтаман!

Ассалом, эй соҳиби сўнгги маконлар,
Бир заминда яшармиз икки дунёда!!!
Ассалом, эй мангулик тинчлар,
Бир-бирин эслаганлар келди олдингизга.

2004 йил

Шилла кифди умри қисқа шоғирим

Касалхонада ёзилган шеър

Ўйлаб-ўйлаб, ўйимга ҳам етолмадим,
Сўйлаб-сўйлаб, айтганим бирин қилолмадим,
Орзуларим мўл, руёбини кўролмадим,
Э воҳ дунё, сенда даврон суролмадим.

Кетар бўлдим гул чаманим тарк этиб,
Рухим бирён, жасадимни тарк этиб,
Айтаримни билмам сизга мен нетиб,
Азиз дўст, сиз мени деб йиғламанг.

Мен ўлсам, азизлар сиз йиғламанг,
Юрак бағир, обдийда тиғламанг,
Мен учун йиғлайди тоғлар,
Нола чекиб дийдасининг тошлигидан.

Илоҳий куч заминдан инди,
Истеъдодим туғлардек унди,
Лахза етиб юрак тинди,
Кетар бўлдим,
Азиз дустлар йиғламанг.

Афсус эмас қувонч-ла эсланг мени,
Қўмсасангиз армонлардан изланг мени,
Кунгли ярим, хазонлигим сўзланг мени
Кетар бўлдим,
Азиз дустлар йиғламанг.

Мен тирикман — сўзим сизда,
Етиб борган қўр юракларингизда,
мен яшайман мудом сиз-ла,
Кетар бўлдим,
Азиз дустлар йиғламанг.

Келади ...

Қайтар дунё,
Қайтган дунё ўқинтириб келади
Армонларга ювунтириб келади,
Тегрангда ўлим қанот қоқиб,
Айланиб қайларгадир елади.

Дунёга тоғ бўлолмасман,
Тоғлари бордир.
Дунёга боғ бўлолмасман,
Боғлари бордир.
Рухларга чирок ёқолмасман,
Улар зордир,
Зорларга зорим айтгим келади.

Мудом кўзларимда оламнинг иши,
Кимларга
Мени фарқ қилгандай ҳаёт ташвиши.
«Дунёга фалсафий қарайсан», —
Деди бир киши.
Мен барига кўнгим келади ...!

Аё толиб,
Майли, ўкимагин дардлар достонин,
Ғамга йўлатма ҳислар осмонин.
Бефарқ кара, сўзи ҳасратга
Лек одам айтиб ўлар,
Одамзодга армонин.

Дунё

туркум

Дунё тўйдирма ўзингдан,
Безиб қуйдирма ўзингдан,
Кўзларимда ёшим бор бу кун,
Эрта ёш излама кўзимдан!

Қасос, туғин қўлга олмайин,
Юракни нафрат ботқоғига солмайин,
Эзгу руҳим йўқолмайин,
Асра дунё, кеч қолмайин.

Кўзим охириггни кўриб турар,
Сўзим илтижони тилаб турар,
Дук-дук эмас юракда ханжар,
Урмасин-эй беомон бўлар.

Тиллар эрур дорларга чилвир,
Балки ундан икки қулоч узундир.
Сенга очиқ кўзлар кўп келар,
Дор тагига ҳайдама дунё?!
Очиқ кўзлар ўзи юмулсин ...

Ғам ортар, ғурбат кўпайса,
Онт сакланар, турбат кўпайса,
Қилмиш кидирмиш ўзни,
Рахим қил, қўй ўзга сўзни.

Жикка ёш оқаверса,
Рўмол қани артмоққа,
Дийда қотса агарда,
Сабр қани кутмоққа.

Нахот дунё юмолмадинг комларингни,
Хайикайми кўриб энди домларингни,
Оғир кўчар забоним унсиз,
Ёполмадингми эх, очик томларингни?!

Дунё даҳридаги
Қор эриб кетди-ю,
Юраклардаги музлар
Эримади.

Нафратдан қочган,
Зор учиб кетди-ю,
Қасос учмади, учмади ...!

* * *

Дунё сени дун дедилар билмадим,
Бўзлаб хун дедилар, кўрмадим.
Айтсам менда ўкус ноламни,
Бир камлигингдан ўзгасини кўрмадим.

Ҳаёт дерлар ҳали боламан,
Мен кўрмай ўтарман,
Биз кўрмай кетармиз,
Дунё сенинг дун-у хунлигингни!

Аждодларим азоб чекиб айтиб ўтди,
Мен кўрганни сен кўрма —
тилаб кетди.

Армон кўзларини юмдирмади,
очик кетди.
Мен кўрганни кўрма деб,
кўриб-кўриб кетди.


Бизлар кўрмай англаб ўтамиз,
Панду-ўғит — барин тинглаб ўтамиз,
Биз ҳам юриб азалий йўллардан,
Надоматким,
«Кўргин сен, кўр» дея тилаб кетамиз!

* * *

Кимдир саййод кезар дунёни,
Бир ов шикор билди,
Қайсидир бир шўрпешона,
Сер дунёни ёв билди,
Кимдир билди дунёни
Зулму-жафо деб,
Кимдир билди дунёни,
Сайру-сафо деб.

Мен не деб билайин,
Эй дунё сени?
Қайси кўзла кўрайин,
Қисмат!
Такдир,
Такдир рўйхатларин.

Дунё,
Мен учун мўтабар,
Доим устозсан.
Содда болангман,
Ўтиб алданиб,
Кетиб бораман,
Сени айтди деб,
Неларни алдаб,
Негадир ишониб
Бораман!!



Нечун

Гохи яра килар, гохи да малхам
Миллат жони-ла бир жон-тан,
Лек оқсаб шеъриятнинг булоғи,
Қингғир-кийшиқ оқар минг ирмоғи.

Кими ўксук — шоир аталар,
Кими ғамгин дардларда яшар,
Ҳаммаси бир камлар,
Нечун дунё,
Шоирларни тўкис қилмадинг!

Қайси шоир муҳаббатда омадсиз,
Қай бири омадли-ю, фарзандсиз
Қайси шоир қумсаб яшайди,
Нечун дунё,
Шоирларни тўкис қилмадинг.

Шоир номи бор кўпларда,
Тиғдек тили беаёв сўғрилган,
Яшарлар пўлат қанотлари қайрилган,
Асов бўлган туёғидан тайрилган,
Бирлари бор ҳаётидан айрилган
Нечун дунё
Шоирларни тўкис этмадинг?!

Шоир зар булоқдек қайнайди,
Мудом куйиниб-куйиниб яшайди,
Оқ кунгил халк'-асад билмайди,
Сурайман, жавобни олсам қанийди,
Нечун дунё,
Шоирларни тўкис қилмадинг?!

Ўтарлар

Дунё

Сенинг синоатинг кўп, санъат кўпайди,
Беунман айтарим кўп хасрат кўпайди.
Бемехнатлар кўпайиб, давлат кўпайди,
Бефойда ғанимлар бекам юрарлар.

Кўзларим олисдаги гул чарбоқда,
Етсам халоватга, утса умр рабоқда,
Оёким тагим олов-чўл, йўл узоқда,
Зар ортилган, нордайн кетарлар.

Кўпларни кўрдим, лек улар камдай,
Кўп эшитдим, бари, ҳаммаси ғамдай,
Дунё сенай экансан, бир боғ ғарамдай,
Ҳаммаси ортмоқка шай турарлар.

Юрарлар — бефойда ғанимлар, бекам юрарлар,
Кетарлар — зар ортилган нордайн кетарлар,
Ўтарлар — занжирли иснодга салом бериб,
Ўтарлар, кетарлар дунё сенданай! ...

Қўмсаш ...

Тарлаган тарлон эдинг тоғларда,
Сайраган сайрон эдинг торларда,
Яйраган оху эдинг сен борларга,
Йўкотмишман азал сени.

Орият аччик, дунё устун,
Ғамга жо бўлган рўё устун,
Тиллодек товланган аёзларда,
Изламишман мангу йўқлигинг.

Кувончлар таркин ўйламабман,
Ғамли дунё сендан сўйламабман,

Унутганим унутдим деб йиғламабман,
Ўйлаб-ўйлаб сўйлаб йиғлайман.

Такрорлан,
Тузоққа тушган хаёт такрорлан,
Қўмсик юрак фарёдлари доди бу,
Излаган тополмас бетакрорсан.
Қайт, қайт яна
Аччик қисмат сабоғи бу ...

Билинг!
Қаттиқ дийдам,
Қатраланган кун бу,
Кулинг!
Кибор ғурурларим
Парчаланган тун бу.

Нетайин, сўзламайин
Соғинган лаҳзаларим,
Қўмсикман дийдорга,
Тингланг оталарим.

Олис тонлар ...

Яшарман ғамнинг қўлларида,
Қолганман армон тонги, йўлларида
Кулгу тарк этган алла қачонлар,
Бошлангандан кўзим сўнглирида ...

Атроф ёнида қулар биров,
Борлиги унут турар биров,
Арзирми, арзимасми билмам,
Юрагимда мени тергар биров ...

Тун кўп армон, тонглари олис,
Емрилган, кемрилган борлик
Кезар. Етимдан тиланиб етим хис,
Яланғоч туйғуга топсам деб орлик.

Қор эмас кировда кечган умрлар,
Тор эмас буровда кечган умрлар,
Кечкани умрлигин англамай ҳатто,
Бор эмас куровда кечган умрлар ...

* * *

Армон,
Қабрингга зиёратга келдим яна,
Мухрдай номиңгни ёд олгани,
Сувратингни неча чизиб юрагимга,
Кўрарман излаб борми колгани ...

* * *

Ўзим тупроқ босиб ўтди канчалар,
Тилим чилвир осиб ўтди нечалар,
Ўзгармади тонгга мен яшаган кечалар,
Бугун дийдор насиб ўзга сўзни нетгайман.
Дардим сизда қолиб,
Сизни мен олиб кетгайман.

* * *

Зор айтдим зори борларга,
Ҳавога тўккандек дарди хорларни,
Олиб учар окқушлар кенти ёрларга,
Ўзга сўзни сенда, менда нетарман ...

* * *

Дилни бозорларга сололмассан,
Сотиб ўзгасини ололмассан,
Ё сендан ҳурман дея тониб,
Дил кетганда сен қололмассан!

* * *

Тарозу излайман гоҳида ўзим,
Тошлардан гина топаман баъзан.
Ҳар нарса ўрнида менда йўқ тўзим,
Камлигингдан нолиб қоламан.

* * *

Кўрдим табиат безабон,
Забонли башарга сабоқ берар,
Меҳнат қилдириб,
Машаққатдан берар нон.
Нонгача кўп кийналтириб,
Сабоғин сўрар чандон ...

* * *

Сиз билган аввалги кўнгил эмас,
Ҳасрат айтиб энди ҳеч тўқилмас,
Чил-чил синиб у дил касоси,
Ямашга уринма,
Чун ямалган кўнгил эмас ...

Сўрамангиз кўнглимни — кўчиб кетди,
Изламангиз — бу ҳаётдан ўчиб кетди,
Симгарга қолган зар кадрсиз,
Қор эмас сўнгги пушаймонинг,
Чун, рух тандан ўчиб кетди.

Шўртликлар

Ғарибнинг мулки не бўларди,
Кўнгилдан ўзга,
Очларнинг кўзи тўларми,
Тўпроқдан ўзга.

* * *

Дунёнинг кўзидир одамзод,
Заминнинг сўзидир одамзод,
Талон қилар кўнгил мулкани,
Талончига топширади сўнг уни.

* * *

Буюклай билмасанг, буюклик йўқдир,
Қадрига етмасанг, қадр ҳам йўқдир
Ғадодан тиланган ғадодай мухтож,
Бойликни англамасанг, бойликнинг ўзи йўқдир.

* * *

Йўқ-бордан бошланар эртак,
Мурод-максадда тугар факат,
Икки ародаги йўллар узундир,
Ўтмасдан охир етолмасак,
Ўкимай тугаталмасак ...

* * *

Турибсан бир ўк атрофида,
Рўё-чин, бо-ру йўк атрофида,
Бир кул бир чуғ атрофида,
Парвонам — Она Ер ...

* * *

Нима оғир жаҳонда,
Одам оғир билсангиз,
Унинг оғир юки бор,
Дард бўлади билсангиз ...

* * *

Туғардан эсан шамолдан,
Ботарга салом берган бойтерагим,
Таъзим истаб шамол юборганин,
Ҳеч англамаган бойтерагим.
Куладингми хайрият ...

* * *

Кўнгилнинг хар кўчасида девонаман,
Обод қасирлар аро бир вайронаман,
Қасирни кул очар, вайронани ким
Сим-сим
Очар сўзи топилмаган ғамхонамсан ...

Болажон!

Болажон —
Эзгу тилаклар сизга бетакрор,
Не ноёб сўзлар юракда бисёр,
Умр йўлларинг губор кўрмасин,
Беғубор болажоним, яша беғубор.

Замонлар ўтар-у даврон қолади,
Инсонлар ўтар-ки, армон қолади,
Боболар армони ушалгай энди,
Оталардан
Бизга қутлуғ дорилзамон қолади.

Болажон,
Мехнаткаш халқнинг дилбандларисиз,
Беруний, Ибн Сино,
Буюк боболарнинг гулбандларисиз,
Иқбол-истикбол сизга дўстларим,
Умр йўлларига кўприк бўлажаксиз,
Бутундан туғилар тонг келажаксиз ...!

Журъат

Зомин. Жилға бўйида, ҳарсанг тош устида ёзилган шеър

Дунё тўкис бўлолмаган,
Бири кам,
Менда тўкис эмасман.
Бўлолмасман ҳам.

Қайдасиз мен излаган,
Кўтлар кам деган
Журъат?
Журъат, сен етишмасан,
Келақолгин, кел қайдасан?

Сени излаб кирай энди,
Қайси бир сўқмоқларга,
Давонларда адо бўлмасми,
Сўқмоқларинг уртўқмоқларида ...

Ҳарсангларда кучок очдим,
Майли ўзи келсин деб,
Еллар кучоғимга тўлди,
Журъат келмади —
Кўзи тўрт бўлсин деб.

Мен журъатни кўп кутарман,
Кўзим тўрт, интиқ ўтарман.
Рухим билан кесакларман,
Ҳайдарман
Ўлганим сўнг кулиб келса нетарман!

2002 йил

* * *

*Болаларга салом берайлик,
• Болаликка эҳтиром-ла қарайлик.*
Ҳадисдан

Масум гўдак бола пайтимизда,
«Алдашга бола яхши» нақилин
Қилмасди овулимизда қанда,
Не сўз-ки ўйлардим маъносин!

Йўлакчада ўйнаб юрардик,
Ҳасадни билмаган лолалармиз.
Шунда бир кишини учратдик,
Ёлғонни билмаган болалармиз.

У айтди:
Кўриб келинг,

Тезрок хабар етказинг,
Менга.
Конфет бераман сизга,
Ишлаб қолда шунда,
Қўшавойнинг боши тўсатдан:
— Чунтаксиз шиму кўйнакда,
Иш ҳаққи конфетчаларни,
Олиб берар қаеридан?!

Ўртоғим: «Мен бажараман,
Конфет берсангиз», — дея
Кетди югуриб.
Бажарди ишни,
Бехато мўлжалдан уриб.
Мен кафил,
Қимирламай туриб.
Иши битгач ҳалиги олифта,
Вадага вафо насия,
Жўнаб қолди югуриб.

Мен турардим, тек қотиб лол,
Иш бажарган дўстим илҳол.
Унга ачиндим,
Нега қўл урмадим,
Бирга шу ишга.
Иккимиз ҳам шунда,
Тенг бўлардик-да!

Воқеани мендан эшитиб онам,
Қўп алданади хом сут эмган одам.
Деди:

«Сен, пишган сут эмгансанда бола!
Ўтинчим сиздан, одамлар,
Болаларни алдаманг ҳеч.
Ўлғонга ўрганса улар
Сўнгги пушаймонлар кеч! ...

Лек чакки қилибди —
Улкан аравалар
Изидан юради
Кичик аравалар.
Маюс ўйга толди
Менинг онам.
Изтироб чекарди
Митти вужуд хонам!!!

2002 йил

Қанда у авлод?!

Биз кўп боболарни кўрдик,
Миллионлар ичидан бирларини,
Кўлсиз, кимлар оёқсиз кўрдик,
Енгиб ўтган, хаёт йўлларни.

Давраларда сўрилар тўла,
Ўтирарди оталар катор,
Гурринг қизар, маънолар бор,
Дилкашлар давраси кулгута тўла.
Дердилар бирларига қараб:
— Хой, эсингдами ўқдан қочганларинг,
Урушга кирмадинг-а тақаллаб,
Шундай келмасанг, софилинда ётардинг.

Ҳазиллар қайтади такрор,
— Ўзингчи, кўтаролмай милтикни,
Оталмасдан бўлардинг абгор.
Ёв келса тепангга,
Қочардинг-а ясаб чумчукни!

Кулоқлар остида кулгулар,
Қаҳ-қаҳлар тикланиб келар.
Дерди баъзан бирлари бизга:
— Хей бола, белда қувват. Есть!
Ишла, ишла, ишдан қочма!

Жилмаямиз, каролмай кўзларига,
Секин юрамиз, ҳасса ўқталган,
Кузатиб ўтирар.

Узоқлашиб, ботирга айланиб,
Эркатойлигимиз тутган,

Деймиз:

— Эй, бобо, ишлаб нима қиламиз,

У иш бўлса, ўзи ишлансин.

Биласиз-ку, биз эмасмиз, сиз

Қўлни ташлаб бир ёққа,

Ўзимиз юриб аллақаякда,

Куламиз:

Шунда беш отар ўрнидаги асо,

Бошимиз устидан учиб ўтади,

Қайга қочишни билмаймиз ҳатто,

Саросимада тек қотамиз!

— Хой бола, ўйин билма мени,

Бир қўлдаям, их, ишингни

Жаҳдим, шукур, бор

Ўйлама қариган!

— Тиржаямиз, ўшшаямиз.

— Ҳа куласан, сендақаларни

Бир қўллаб, ўнини ишини қиламан.

Биласанми, атрофга қараб секин,

Яқинда қайта уйланаман!

Бизга қараб, қотади.

Қаҳ-қаҳ уриб куламиз.

Кимга оғир ботади.

— Энажон, суюнчи, — деб югурамиз.

Шунда куларлар ўзлари:

— Хи-хи, бу ҳам бир хазил.

— Ҳа, майли, болам

Ҳаддингнан кўп ошма! ...

Инсонлар, ўйласам
Вактга йўғрилиб кетди.
Армонлар, қарасам
Рухга уғрилиб кетди.

Кўриб баъзан амалпарастларни
Писсанда отар, такаббурлар
Тақиб кам меҳнат, медалларни
Шухратидан сўз сотарлар.

Шу муҳитда, шоҳона даврада
Манман киборларни кўриб,
Излайман ўша, сўриларда
Дилкаш боболаримни ...

Баъзилар бор, хатто болага
Қандай сўзлашни билмайди:
«Сен тушунмайсан, кет» деб
Ёшларни қабул ҳам қилмайди!

Эх, аттанг, бўлаверар бизга ёд
Ўйлар тугёнда, солаверар дод,
Қани ўрнида бўлсалар эди
Ўша! Ўша Авлод ...!

Биз кўп боболарни кўрдик,
Миллионлар ичидан бирларни
Қўлсиз, кимлар оёксиз, кўрдик,
Енгиб ўтган ҳаёт йўлларини.

* * *

Азизим,
Мен дунёга шоир эмас,
Оҳу бўлиб келганман,
Ватан тоғу-тошларда,
Оҳу бўлиб кезаман.

Охута не кўз билан карамас,
Тузоқ-у чохлар кутади.
Охунинг умри ўзгача эмас,
Овчининг ўқи-ю, тўр кутади.

Мен-да яшаб, чопаяпман,
Кўпдир йўлларимда ҳасад.
Дийдор бор емасдан тўйса бўлади,
Соғинч бор яратган йўйса бўлади.
Ўлим бор дунёМумё булогин излаяпман,
Менга-да қазиганлар кўп лаҳад.

Қўлидадир яралаш ҳам даволаш,
Ўзидадир қаҳр ва меҳр,
Менга одат тоғлардан излаш,
Тошлардан дийда чуқурми ахир?!

Азизим,
Сен шоир атадинг мени,
«Шоирман» деб керилмасман,
Асир этдими дардим сени,
Қайғураман, қувонмасман ...



МУНДАРИЖА

Гохи тонгни	3
Шеърим	4
Эрк недур	5
Онам Рахимбой қизи Тозагул Матниязовага	6
Меъдан аввал	7
Аёзда ялонғоч дарахт армони	7
Одамлар	8
Боласиман	9
Сизга	10
Кузатиб яшайман	11
Етилгандек эдим	12
Тилга кирди умри қиска шоирим	13
Келади	14
Дунё (туркум)	15
Нечун	18
Ўтарлар	19
Кўмсаш	19
Олис тонглар	20
Тўртликлар	22
Болажон	24
Журъат	24
Болаларга салом берайлик	25
Қайда у авлод?	27

Улмасбек ХУЖАЕВ

КУЗАТИБ ЯШАЙМАН

Шеърлар

Ўзбек тилида
«Қорақалпоғистон» нашриети
Нужус—2005

Бош муҳаррир
Муҳаррир
Рассом

Жиянбой Избоқанов
Гулистон Пирназарова
Исмайл Қидиров

ИБ № 5277

Теришга берилди 18.03.2005. Босишга рухсат этилди
2.05.2005. Бичими 84 x 108 ^{1/32} Гарнитураси «Таймс».
Офсет усулида босилди. Ҳажми 1,0 б.т. 1,68 шартли
б.т. 1,28 ҳисоб б. т. Нашр 1000 нусхала. Буюртма №164

Баҳоси шартнома бўйича

«Қорақалпоғистон» нашриети,
742000, Нужус, Қорақалпоғистон кўчаси №9

«Нужус полиграфкомбинати»
маъсулияти чекланган жамият
742000, Нужус, Қорақалпоғистон кўчаси №9